**QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI**

230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

**QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ XALÍQ BILIMLENDIRIW MINISTRLIGI**

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

«25» ноябрь 2021-у. № 03-02/02-5322 «____»-__________ 2021-j.

**Элликқалъа тумани, Гулистон маҳалласи,**
**Ой қала кўчаси 38 уйда яшовчи**
**фуқаро С.Каракулиевга**

**Нусхаси:** **Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига**

Сизнинг, Ўзбекистон Республикаси Президентига Ишонч телефони орқали йўллаган мурожаатингиз бўйича Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Ички аудит ва молиявий назорати хизмати бошқармасининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий хизмат бошлиғи томонидан ўзингизнинг иштирокингизда тўлиқ ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида Сиз Элликқалъа тумани 20-сонли умумтаълим мактаби директори Н.Сапаевага ҳеч қандай эътирозингиз йўқлигини ва мурожаатни кўрмастан қолдиришни сўраб тушунтириш хати бергансиз.

Сизнинг юқорида келтирилган мурожаатингизни кўрмасдан қолдиришни сўраб ёзган тушунтириш хатингиз инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида" Қонунининг 30-моддаси 2-хатбошига мувофиқ мурожаатингизни кўриб чиқиш тугатилганлигини маълум қиламиз.

**Иккинчи манзилга:** Маълумот учун.

**Вазир ўринбосари** **Ш.Таджимуратов**

КВИТАНЦИЯ
RA231447479UZ
ДАТА: 26.11.2021
ВИД ОПЛАТЫ: без оплаты
Operator: Шынар Омарова
ОТ: ХВМ
КОМУ: S KARAKULOV
ВИД ТРАНСПОРТА: Наземный
Письмо ->
Узбекистан Republic of Karakalpakstan Ellikqala AY QALA 38 UY GULISTAN MAXALLASI
№: RI527773356UZ
ВЕС: 0.02 kg
Оплачено марками 3800.00
Тариф 3800.00
ВСЕГО: 0.0
НДС: 0.00
СПЗ 0.00
Срок предъявления претензий: - 6 мес.

O'ZBEKISTON * NUKUS 3 * QORAQALPOG'ISTON * 26 11 21

*RA231447479UZ*

Ижрочи: М.Есбосынов
Тел: (61) 222-52-25

Xalq ta'limi tizimiga oid barcha *yangiliklardan quyidagi havolalar* orqali xabardor bo'lishingiz mumkin
www.uzedu.uz t.me/uzedu facebook.com/uzedu instagram.com/uzedu.uz

Қорақалпоғистон Республикаси
Халқ таълими вазири
Р. Реимовга

Мен Элликалъа тумани
Гулистан ОФЙ "Уйкалъа"
аҳоли пунктида яшовчи
1959-йилда туғилган
фуқара Қарақулиев Сабурбайдан

Тушинтириш хати

Бераман ушбу тушинтириш хатини
У ҳам булса Элликалъа туманидаги
№ 20 сан мактаб директори
Сапаева Нигорага эътирозим йук.
Президент порталига қилган
мурожаатим буйича эътирозим йук.
Ушбу тушинтириш хатимни
Уз қулим уз узим билан ёздим
деб тушинтириш хати берувчи

[signature] Қарақулиев. С.
23. XII. 2021.

Ўзбекистон Республикасы Ҳалқ
таълим вазири

Мен Қорақулиев Сабур
Р.К Элликқалъа
тумани Офи гузари
Уйқалъа аҳоли пункти
38 уй.

## *Тушинтириш хат*

Бераман ушбу тушинтириш хатини
у ҳам бўлса Ўзбекистан Республикаси
Президентига ишонч телефони орқали
бўлмаган мурожат рақами 753 765/2
сонли, Элликқалъа туманидаги 20
сон мактаб директори Сапоева Нигора
устидан ёзилган мурожатларимни
оқибатсиз қолдирганингизни сўрайман
мактаб директори Сапоева Нигорага
этирозим йўқ.
Ушбу тушинтириш хатимни
ўз кўнгли ва ўз сўзим билан ёздим
деб тушинтириш хати берувчи
Доимов Қорақулиев С
24. XI. 2021.

**Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълим вазири**

**Мен** Сапаева Нигора Умманбаевна Элликқалъа тумани ХТБга қарашли 20. сон мактаб директори.

## *Тушинтириш хат*

Бераман ушбу тушунтириш хатини, у ҳам бўлса, 2021-йил 13-октябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ишонч телефони орқали фуқаро Қаракулиев Сабурбайнинг йўллаган мурожаати бўйича ҳеч қандай эътирозим йўқ. Ушбу жараён тугаллангандан кейин фуқаро Қаракулиев Сабурбайга қарши ҳеч қандай ҳаракатни амалга оширмайман. Ушбу тушунтириш хатини ўз сўзим ва ўз қўлим билан ёздим деб тушунтириш хатини берувчи Сапаева Нигора Умманбаевна

Н.Сап 24.11.2021 й

**МАЪЛУМОТНОМА**

**24.11.2021 йил** **Элликқаъла тумани**

Мазкур маълумотнома Қорақалпоғистон Республикаси, Элликқалаъа тумани, Элликқалъа тумани, Гулистон Ойқола кўчаси 38 уйда яшовчи фуқаро Қаракулиев Сабурбай Янгиловичнинг Ўзбекистан Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси орқали ёзган мурожаати тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ-445-сон билан тасдиқланган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 4-боб, 30-модда, 3-хат бошида, агар мурожаат қилувчи ўз мурожаатини белгиланган тартибда чақириб олган бўлса ёки уни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида илтимос қилган бўлса бу ҳақида мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисидаги қарорни давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси қабул қилиши ва ундан кейин назоратдан олиниши белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Элликқаъла тумани, Гулистон ОФИ, Ойқала кўчасида 38-уйда яшовчи С.Қоракулиевнинг, 2021 йил 13 октябрь Ўзбекистон Республикаси Президентига ишонч телефони орқали 753765/21-сон билан рўйхатга олинган мурожаати, ариза муаллифи томонидан кўрмасдан қолдириш сўралган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур мурожаатни ўрнатилган тартибда мурожат кўрилмасдан қолдирилади.

Маълумотга С. Қоракулиевнинг тушинтириш хати илова қилинади.

Ушбу маълумотнома тўғрилигини тасдиқлаб имзо чекувчилар:

ЎР Халқ таълими вазирлигининг Ички аудит ва молиявий назорати хизмати бошқармасининг Қ.Р худудий хизмат бошлиғи: А.Файзуллаев

Нукус шаҳар 27-сонли умумтаълим мактаби ўқув ишлари буйича директор ўринбосори: Ч.Уразбаев

Элликкалъа тумани Халк таълими булими мудири: А.Нуримбетов